

Йўл ҳаққи намозга қараб берилади



10:00 / 04.11.2021 1870

Бир ота гапириб беради: «Мен фарзандларимни йўл ҳаққисини икки қисмга бўлдим: «Тонгги ва тунги» йўл ҳаққилари. Эрта тонгдаги йўл ҳаққи мактабга транспортда етиб олиш учун, ундан ортиқча эмас. Иккинчи тунги йўл ҳаққи «Намоз йўл кираси» деб номлар эдик. Унга фарзандларим ҳуфтон намозини ўқиб, сўнгра барча намозларини қолдирмай адо этишганда эришишади. Агар кимнингдир бирор намози қолиб ўқилмаган бўлса, у ўша куни йўл ҳаққидан маҳрум бўлади. Оқибатда, мактабида егуликсиз қолади. Мана шу йўл билан мен фарзандларимни намозини муҳофаза қилишга ундадим».

Бир ота гапириб беради: «Фарзандим намозини тўлиқ адо этадиган бўлса, йўл ҳаққи олишини келишиб олдик. Агар битта намозини қолдирса, мен йўл кирасининг бешдан бир қисмини олиб ташлайман. Агар икки намозда камчилик қилиб қўйса, бешдан икки қисмини олиб ташлайман. Агар тўлиқ ўқимайдиган бўлса, шу тарзда камаяди. Агар тўлиқ ўқиса, йўл ҳаққини тўлиқ олади. Шу йўл орқали фарзандимни ҳафтада ўттиз бешта намозни йўл ҳаққисини тўлиқ бераман».

Бир йигит айтади: «Онам мени намозга меҳримни қўйдириб, уни севиб ўқийдиганлардан қилдилар. Ҳар сафар масжиддан қайтганимда мени чиройли тарзда табассум билан кутиб олар эдилар. Мендан рози эканликларини сездирган ҳолатда елкамни қоқиб, бошимни силар эдилар.

Намоз ўқаетганим учун мени дуо қилиб қўяр эдилар».

Эй тарбия берувчи, фарзандингиз намоз ўқиб бўлганидан сўнг уни хурсанд қилиш учун чиройли йўл ўйлаб топинг!

Қизлардан бири айтади: «Биз ёш бўлганимизда отам ҳар куни ишдан қайтганларида «Намоз ўқидингизми?» деб сўрар эдилар. Агар ҳамма намоз ўқиганини билсалар барчамизни йиғиб, қизиқарли эртақлар айтиб берар эдилар. Агар орамиздан бирортамиз намозни тўлиқ ўқимаганимизни билсалар, хафа бўлар ва ўша куни эртақ ҳам айтиб бермас эдилар. Отамни олдиларида ўтириб эртақ эшитиш барчамизга ёқимли бўлгани учун у сиз қолмаслик мақсадида биз бир-биримизни намоз ўқишга ундаб, шижоатлантирар эдик».

Йигитлардан бири айтади: «Мен ёшлигимда қиссаларни жуда ҳам яхши кўрар эдим. Отам ҳар бир намозга бир ҳикоя гапириб берар эдилар. Мени чақириб: «Кел бугун мен билан намоз ўқиганинг учун чиройли эртақ айтиб бераман», дер эдилар.

Фарзандингни намозга шижоатлантириш учун қандай эртақ ва қиссаларни айтиб берасан?

Умр йўлдошинг билан шу саволни мукамал ўйлаб кўрсанг, Аллоҳ сени, албатта, саволга жавоб топишингга муваффақ қилади ва болангни намозга шижоатлантиришинг учун ўзгача услуб билан илҳомлантиради.

Ҳабибуллоҳ Ахмадовнинг «Намоз» китоби асосида тайёрланди